

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АЗИЗ БАХТИЯРОВИЧ

**БЕНЗОЙ КИСЛОТАСИ МОНОҲОСИЛАЛАРИ
ВА ЭТАНОЛАМИНЛАР АСОСИДАГИ КООРДИНАЦИОН
БИРИКМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

02.00.04 – Физик кимё

**Кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

УДК: 543.442.3, 544.1, 546.05, 546.3, 548.75

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of doctor of science (DSc) dissertation abstract

Ибрагимов Азиз Бахтиярович

Бензой кислотаси моноҳосилалари ва этаноламинлар асосидаги
координацион бирикмаларнинг тузилиш хусусиятлари.....3

Ибрагимов Азиз Бахтиярович

Особенности строения координационных соединений на основе
монопроизводных бензойной кислоты и этаноламинов.....31

Ibragimov Aziz

Structural features of the coordination compounds on the base of benzoic
acid monoderivatives and ethanolamines.....57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....61

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АЗИЗ БАХТИЯРОВИЧ

**БЕНЗОЙ КИСЛОТАСИ МОНОҲОСИЛАЛАРИ
ВА ЭТАНОЛАМИНЛАР АСОСИДАГИ КООРДИНАЦИОН
БИРИКМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

02.00.04 – Физик кимё

**Кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.Dsc/K68 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси манзили ik-kimyo.nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Закиров Бахтиёр Сабиржанович
кимё фанлари доктори, профессор

Ашуров Жамшид Менгнорович
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Сидиков Абдужалол Сидикович
кимё фанлари доктори, профессор

Сабиров Вахобжон Хусанович
кимё фанлари доктори , профессор

Кадилова Зухра Чингизовна
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «6» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: +(99871) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биносининг 2-қават 1-хонаси).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 121 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ Фундаментал кутубхонаси. Тел.: (+99871) 246-67-71).

Диссертация автореферати 2019 йил «22» 11 да тарқатилди.

(2019 йил 22.11 даги 10 рақамли реестр баённомаси)



Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда яратилаётган стимуляторлар ва фунгицидларнинг аксарияти таннархи қиммат органик моддалар асосида олинган бўлиб, металл комплекслар (МК) негизидаги препаратлар эса фақат монолигандли координацион бирикмалар шаклида синтез қилинган. Шу сабабли, бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширадиган ва уларни зараркунандалардан химоя қиладиган аралаш-лигандли МК ва органик тузлар асосидаги моддаларни синтез қилиш, уларнинг тузилишидаги хусусиятларни аниқлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини янада ошириш учун замонавий инновацион технологияларни қўллаш, хусусан экинлар ўсишини тезлаштирувчи ва маҳсулдорлигини оширувчи самарадор препаратларни яратиш муҳим ҳисобланади. Бундай препаратларни яратиш учун бирламчи модда (лиганд) сифатида содда тузилишли, арзон ва яхши маълум бўлган ҳамда, айтилган вақтда, антимикроб ва стимуляторлик хусусиятини намоён қиладиган моддалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида янги турдаги стимуляторлар ва фунгицид препаратлар яратишга катта эътибор берилиши сабабли қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва ўсимликларни зараркунанда фитопатоген микроорганизмлардан химоя қилишда муайян натижаларга эришилди. Хусусан, юқори самарадорликка эга бўлган «Ҳосил», «Мадад», «ТЖ-85» каби стимуляторлар яратилди. Бироқ глобал иқлим ўзгариши, жумладан, Оролбўйи экологик фожиасининг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир қилиши, ўсимлик зараркунандаларининг кўпайиши янада самарадор препаратларга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «Глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, ўсимликларни химоя қилишнинг янада самарали воситаларини яратиш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширадиган янги ва арзон препаратлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Карбон кислоталарнинг биометаллар билан комплекслари синтези, уларнинг фазовий тузилиши, «тузилиш-биофаоллик» боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Дехли фармацевтика фанлари ва тадқиқотлари институти (Ҳиндистон), Аахен университетининг Ноорганик кимё институти (Германия), Умумий ва ноорганик кимё институти, Москва давлат университети (Россия), Токио университети (Япония), Лондон Қироллик институти (Англия), Муҳандислик-техника институти (Хитой), Ягеллон университети (Польша), Биоорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Карбон кислоталарнинг биометаллар билан комплекслари тузилиши ва уларнинг биологик фаолликларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: металларнинг хелатли комплекслари синтези амалга оширилган, уларнинг фазовий тузилиши ва заряд зичлиги аниқланган (Аахен университетининг Ноорганик кимё институти, Германия); карбоксилатлар иштирокидаги аралаш-лигандли координацион бирикмалар синтез қилинган (Умумий ва ноорганик кимё институти, Москва давлат университети, Россия); биометаллар асосида комплекслар синтез қилинган, молекуляр ва кристалл тузилишлари, шунингдек, биофаоллиги аниқланган (Лондон Қироллик институти, Буюк Британия); карбон кислоталарнинг полимер типдаги координацион бирикмалари олинган (Муҳандислик-техника институти, Хитой); металларнинг феноксисирка кислота ҳосилалари билан комплекслари олинган ва уларнинг ўзаро координацияланиш турлари аниқланган (Ягеллон университети, Польша); микроэлементлар, арил-, гетерилкарбон кислоталар ва моноэтанолламин асосида ўсимликлар ўсишини стимулловчи препаратлар олинган (Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон).

Дунёда карбон кислоталарининг металлокомплекслари ва уларнинг биологик фаоллигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: комплексларда марказий металл катионига лигандларнинг координация бўлишини назорат қилувчи

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган.

омилларни аниқлаш; аралаш-лигандли барқарор хелат бирикмалар синтез қилиш; хелат бирикмалар асосида биологик фаол моддаларни олиш ва таъсир механизмларини аниқлаш; экологик тоза, таннархи арзон ва кичик концентрацияларда юқори самарали препаратларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд адабиётни таҳлил қилиш БК содда моноҳосилалари ва ЭАлар асосида аралаш-лигандли металл комплекслар олиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаганини кўрсатди. Аммо, фақат БК ҳосилалари ёки ЭА билан монолигандли координацион бирикмалар ҳамда бошқа моддалар ёрдамида аралаш-лигандли МК синтез қилишга бағишланган бир қатор ишлар бажарилган. Ҳозирда жаҳонда координацион бирикмаларни ўрганиш билан бир қанча лабораториялар шуғулланмоқда, масалан, Германиялик профессор У.Энглерт бошчилигидаги Аахен университети олимлари, Ҳиндистондаги Панжоб университети профессори С. Кумар гуруҳи, Хитой санъат ва илм-фан университетида МКлар бўйича Г.К. Ли раҳбарлигидаги олимлар ва бошқалар илмий гуруҳлар ана шулар қаторига киради.

Ҳамдўстлик мамлакатларида аралаш-лигандли МК синтези, тузилиши ва биофаоллиги устида жуда кўп гуруҳлар иш олиб бормоқда, хусусан, Озарбайжон Миллий Фанлар академиясининг Физика институти олимлари, Молдова Фанлар академиясининг амалий Физика институти профессори Ю.М. Чумаков раҳбарлигидаги гуруҳ, супрамолекуляр ва кластерли бирикмалар кимёсини ўрганиш билан эса Россия Фанлар академиясининг хақиқий аъзоси А.В. Николаев номидаги Ноорганик кимё институти олими В.П. Федин лабораторияси (Новосибирск шаҳри) шуғулланмоқда.

Республикамызда координацион бирикмаларнинг синтези, тузилиши ва хоссаларини академик Н.А. Парпиев бошчилигидаги илмий мактаб, профессор Х.Т. Шарипов гуруҳи, профессор А.А. Шабилолов ва к.ф.д. Т.А. Азизов раҳбарлигидаги гуруҳ олимлари ўрганмоқдалар. Сўнгги йилларда Биоорганик кимё институтида академик Б.Т. Ибрагимов ва унинг шогирдлари томонидан 300 дан ортиқ янги комплекс бирикмалар синтез қилиниб, уларнинг тузилиши рентген структура таҳлили (РСТ) ёрдамида аниқланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти ҳамда Биоорганик кимё институтларининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида ФА-А12-142 шифрли «Ресурстежамкор самарали стимуляторлар олиш, хавфсиз ўсимликларни химоя қилиш воситаларининг технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш» мавзуидаги (2015-2017), М/UZ-GER 58/2013 «Арил-ва гетерилкарбон кислоталар металлакомплекслари асосида янги юқори самарали ўсимлик ўсиши стимуляторини излаш» (2014-2015) мавзусида амалий ва халқаро лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бензой кислоталарнинг моноҳосилалари ва этаноламинлар асосидаги аралаш-лигандли металл комплексларни синтез қилиш, янги бирикмаларни монокристал шаклида олиш, уларнинг

тузилишидаги специфик хусусиятларни кўрсатиб бериш ва бир нечта металл комплекслар мисолида биологик фаолликларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

металл комплексларни бир хил реакция шароитларида синтез қилиш;
замонавий физикавий тадқиқот усуллари ёрдамида олинган моддалар тузилишининг асосий жиҳатларини аниқлаб бериш;

РСТ орқали олинган бирикмаларнинг молекуляр ва кристал тузилишидаги хусусиятларни аниқлаш;

айрим моддалар мисолида микробларга қарши ва экинларнинг ўсишини тезлаштирувчи фаолликларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб нитробензой кислотасининг (НБК), аминобензой кислотасининг (АБК) ва гидроксibenзой кислотасининг (ГБК) изомерлари, моноэтанолламин (МЭА), диэтанолламин (ДЭА) ва триэтанолламин (ТЭА), турли металл тузлари ҳамда улар асосида олинган синтез маҳсулотлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети этиб олинган моддаларнинг молекуляр ва кристалл структураси ва бирикмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг биологик фаоллиги танланган.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида эса элементлар таҳлили, масс- ва ИҚ-Фурье-спектрометрия, термогравиметрия ва калориметрия, кукунли ва монокристал рентген структура таҳлили ҳамда олинган моддаларнинг антимиқроблик ва экинларнинг ўсишини тезлаштириш борасидаги биологик фаоллигини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 31 та янги модда синтез қилинган (26 та МК), уларнинг монокристаллари олинган ҳамда молекуляр ва кристал тузилиши РСТ ёрдамида аниқланган;

илк бор ДЭА молекулалари координацион сферада *mer*-изомер схемасига мувофиқ жойлашган МК синтез қилинган;

илк бор Кембридж структуралар маълумотлари банки (КСМБ)да рўйхатдан ўтган *p*-аминобензой кислота (ПАБК)нинг 5 турдаги полимерларига қўшимча тарзда янги полимерланиш усулига эга бўлган яна 3 та бирикма олинган;

металл комплекслар орасида ноёб турдаги изоморфизмнинг мавжудлиги аниқланган, яъни бир вақтнинг ўзида бир металлни бошқасига ва анионни унинг бошқа бир геометрик изомерига алмаштирилса ҳам моддалар изоструктуравийликни сақлаб қолганлиги исботланган;

БК нинг турли моноҳосилалари ва ЭА лар ўртасида ҳосил бўлган барча 4 та органик тузда катион ва анион бир хил молекулалараро водород боғлари ёки граф-сети $R^2(9)$ бўлган синтонлар ёрдамида ҳосил бўлиши аниқланган;

аралаш-лигандли МК олиш орқали биофаолликни сезиларли ошириш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

комплекс тадқиқотлар ўтказиш ёрдамида бир хил реакция шароитларида асосий ва ёрдамчи лиганд ҳамда муайян бир металл тузи бўлган сувли

спиртдаги эритмадан МК ва органик тузлар ҳосил бўлиши ва тузилишидаги хусусиятлар аниқланган;

агар асосий ва ёрдамчи лиганд кислота ва асос гуруҳига мансуб бўлса, уларнинг биофаоллигини ошириш (жумладан, сувда эрувчан қилиш) учун лигандлар асосида супрамолекуляр бирикма (МК ва органик тузлар) тайёрлаш усули ишлаб чиқилди;

бир вақтнинг ўзида турли биофаолликни намоён қиладиган, масалан ўсимликларни патоген микроорганизмлардан ҳимоя қиладиган ва уларнинг ўсишини тезлаштирадиган металл ва супрамолекуляр комплекслар тайёрлашнинг имконияти мавжудлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг синтезида қайтарувчанликка эришилганлиги ва олинган моддаларнинг тузилиши кимёвий моддаларнинг структурасини аниқлашнинг абсолют усули ҳисобланган РСТ ёрдамида аниқланганлиги билан изоҳланади. Моддалар тузилишини аниқлашнинг ҳаққонийлиги муайян структуранинг R-фактори нол билан 10% ўртасида эканлиги билан белгиланади: кристалларининг сифати ёмон бўлган битта структурани ҳисобга олмаганда олинган барча моддаларнинг R-фактори кўрсатилган ораликдан ўрин олган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синтез қилинган моддаларнинг тури (таркиби ва тузилиши) координацион сферадаги жойларни эгаллаш учун лигандлар ўртасидаги рақобат ва металл ионининг тури билан белгиланиши кўрсатиб берилгани ҳамда бирикмаларнинг структурасидаги ўзига хос хусусиятларнинг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти модел моддалар мисолида биофаоллиги кам бўлган бирикмаларнинг биологик таъсирини яхшилаш усули ишлаб чиқилгани ҳамда бир вақтнинг ўзида фунгицид ва экинларнинг ўсишини тезлаштириш таъсирига эга бўлган моддалар таклиф этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Синтез қилинган янги МК ва органик тузлар тузилиши ҳамда уларнинг биологик фаоллигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган 31 та янги модданинг тузилиши Англиядаги халқаро маълумотлар базаси КСМБга киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/solutions/csd-system/components/csd/>). Натижада базага киритилган янги моддалар ўхшаш моддаларни синтез қилишда тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш имконини берган;

аралаш-лигандли МК ва тузларнинг таркиби ҳамда тузилиши бўйича олинган маълумотлардан хориждаги 24 та импакт-фактори юқори илмий журналларда синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг физик-кимёвий таҳлили учун фойдаланилган (RSC Advances, 2016, V.6, №2, Journal Impact Factor, IF 3,108; Inorganic Chimica Acta, 2016, V.444, Journal Impact Factor, IF 2,002; Zeitschrift für Kristallographie 2016, V.231, Journal Impact Factor, IF 1,31, Coordination Chemistry Reviews, Volume 348, 2017, IF-14.499, Polyhedron, 2017, V.130, IF-2.28, New Journal of Chemistry, 2017, I.20, IF-3.201,

Acta Crystallographica Section C, 2018, C74, IF-0.903, Journal of Molecular Structure, 2018, V.1163, IF-2.011, Transition Metal Chemistry, 2018, V.43, IF-1.016, Polyhedron, 2018, V.139, IF-2.067, Inorganic Chimica Acta, 2018 V.469, IF-2,43, Acta Crystallographica Section E, 2019, E75, IF-0.502, Journal of Molecular Structure, 2019, Volume 1176, IF-2.12 ва х.к.). Натижада янги аралаш-лигандли комплексларни синтез қилиш ва уларнинг электрон спектри ва магнит хоссаларини тавсифлаш имкони яратилган;

янги аралаш-лигандли металл комплексларни олиш усули ФА-Ф7-012 рақамли «Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилишларининг ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари» мавзусидаги лойиҳада экинларнинг ўсишини тезлаштирадиган бир қатор янги аралаш-лигандли координацион бирикмаларни синтез қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 25 октябрдаги №4/1255-2804-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган усул ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи препаратлар яратишга асос бўлиб хизмат қилган;

органик тузлар ва аралаш-лигандли металл комплекслар Навоий ва Хоразм вилоятининг пахта майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 октябрдаги 5/Т-8-3256-сон маълумотномаси). Натижада препаратлар ғўзанинг ўсишини сезиларли тезлаштириш ва ҳосилдорлигини 5 фоиздан 15 фоизгача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та, жумладан 8 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларида ҳамда Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё, Биоорганик кимё ва Миллий университетнинг Кимё факультетида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола республика ва 13 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 9 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истикболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Координацион бирикмаларнинг (металл комплексларнинг) тузилиши ва биологик фаоллиги”** деб номланган биринчи бобида ва **“Нитро-, амино- ва гидроксibenзой кислоталарининг ҳамда этаноламинларнинг хоссалари”** номли иккинчи бобида адабиётлар шарҳи берилган. МКларнинг тузилиши ва биологик фаоллиги бўйича бажарилган замонавий ишлар таҳлил қилинган ва унда БК ҳосилаларининг ва ЭАларнинг хоссалари ва улар асосида олинган аралаш-лигандли МК ва органик тузларнинг тузилиши келтирилган. БК ва ЭА лар асосида олинган аралаш-лигандли МК ва органик тузларнинг тузилиши, полиморфизми ва изоморфизми, биологик фаоллиги кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Металлкомплексларнинг олиниши, уларнинг тузилиши ва биологик хоссаларини аниқлаш усуллари”** деб номланган учинчи боби тадқиқотнинг объектлари, МКлар синтези, тузилишини аниқлаш усуллари, элементлар таҳлили, ИҚ-Фурье-спектрометрияси, масс-спектрометрияси, ТГ-ДСК ва РСТ ҳамда микробларга қарши ва экинларнинг ўсишини тезлаштирувчи фаолликларини аниқлаш усуллари бағишланган. Тадқиқотнинг объектлари сифатида ҳар хил турдаги металл тузлари, НБК (ПНБК – *n*-НБК; ОНБК – *o*-НБК; МНБК – *m*-НБК), АБК (ПАБК – *n*-АБК; ОАБК – *o*-АБК; МАБК – *m*-АБК) ва ГБК (ПГБК – *n*-ГБК; ОГБК – *o*-ГБК; МГБК – *m*-ГБК), шунингдек ЭАларнинг барча уч тури (МЭА, ДЭА и ТЭА) танлаб олинган.




Барча реакцияларда бир хил шароитда БК – НБК, АБК, ёки ГБК изомерларидан (L1) ва ЭАлардан бири (L2) ва муайян бир металл тузи (M) иштирок этган. Назарий жихатдан, эритмалардан керакли бўлган аралаш-лигандли комплекс M(L1+L2), фақатгина асосий лиганд билан металл комплекси L1 - M(L1), фақатгина аминспиртли комплекс L2 - M(L2), ташқи сферада аминспирт бўлган супрамолекуляр комплекс (туз) - M(L1)+L2, иккинчи сферасида кислота бўлган ушбу турдаги комплекс - M(L2)+L1, лигандларнинг бири ташқи сферада бўлган аралаш-лигандли клатрат комплекс - M(L1+L2)+L1 ёки M(L1+L2)+L2, шунингдек лигандлар асосидаги органик туз L1+L2, L1 кристали ва металл тузи каби индивидуал маҳсулот ёки аралашма ҳосил бўлиши мумкин. Албатта, қандай бирикманинг ҳосил бўлиши реакция шароитига, L1 ва L2 лигандларнинг кимёвий табиати ва стереохимиясига, ҳамда ишлатилган металл тузига боғлиқдир. Ўтказилган 1000 дан ортиқ синтез натижасида, барча турдаги бирикмалар олишга муваффақ бўлинди. Бироқ, биз учун асосан янги МКлари, айниқса аралаш-лигандли МКлар ҳосил бўладиган тажрибалар амалий аҳамиятга эга бўлди. Аралаш-лигандли МКларнинг умумий синтез қилиш формуласи қуйидагича кўринишга эга:



бу ерда – кислота қолдиғи; R2 – NO₂, NH₂ ёки OH; h=3-k.


Диссертациянинг “**Нитробензой кислотаси ва этаноламинлар асосидаги металл комплекслар**” номли тўртинчи боб НБК ва ЭА асосида МКлар олиш ва уларнинг тузилишини аниқлашга бағишланган. МНБК ва ПНБКнинг ТЭА билан ҳосил қилган МКлари ва бошқа бир катор моддалар авторнинг PhD диссертациясига киритилгани сабабли мазкур ишда қаралмади.

ПНБК, мис ва МЭА асосида 2 та аралаш-лигандли комплекс олинган. Уларнинг синтези қуйидагича амалга оширилди. CuCl₂·2H₂O тузи, ПНБК ва МЭА бўлган эритмадан моноядролик аралаш-лигандли комплекс, Cu(CH₃OO) тузи ва юқоридаги лигандлар бор эритмадан эса биядролик аралаш-лигандли комплекс ҳосил бўлди.



Фақатгина ушбу бирикмалар учун ИҚ-Фурье, масс-спектрометрия ва ТГ-ДСК-натижалари диссертацияда келтирилди. Синтез қилинган барча 31 та модданинг тузилиши РСТ усули ёрдамида ўрганилганлиги сабабли, қолган бирикмалар учун асосий эътибор ана шу усулга қаратилди.

Шундай қилиб, моноядролик [Cu((ПНБК)₂(МЭА)₂)] комплексида Cu(II) ионлари инверсия марказида жойлашган. Улар икки молекула МЭА молекулаларини хелатли боғ услубида азот ва кислород атомлари орқали координация қилинган (1-расм). Мис ионининг мусбат зарядини компенсация қилиш учун карбоксилат кўринишидаги икки молекула ПНБК молекуласи монодентат ҳолда карбоксил гуруҳининг кислород атоми орқали марказий металл атомга боғланган. Карбоксилат гуруҳи бензол халқаси билан копланар эмас – мос диэдрал бурчак 25.28° ни ташкил этади. Нитро-гуруҳ ароматик ядрога нисбатан 11.51° бурчак остида жойлашган.



1-расм. $[Cu((PNBK)_2(MЭA)_2)]$ (a) ва $[Cu_2((PNBK)_4(MЭA)_2(H_2O)_2)]$ (b) бирикмаларининг комплекс молекуласининг тузилиши. Молекулаларнинг симметрия билан боғланмаган қисмларининг атомларигина рақамланган. Атомларнинг иссиқликдан тебраниш эллипсоидлари водород бўлмаган атомлар учун 30% ли эҳтимоллик даражасида кўрсатилган.


Мис ионининг координацион полиэдри Ян-Теллер эффекти таъсирида сезиларли даражада бузилган октаэдрдан иборат. Унинг экваториал текислигида боғларининг узунлиги $2.000 \pm 0.03 \text{ \AA}$ атрофида бўлган ПНБК молекуласининг кислород ва МЭА молекуласининг азот атомлари жойлашган. Апикал позицияларда МЭА молекулаларининг кислород атомлари $2.552(4) \text{ \AA}$ масофада ўрин олган.

Идеал 90° ли бурчакдан энг катта оғиш O5-Cu-N2 ($76.20(13)^\circ$) ва O5-Cu-N2(1-x, 1-y, -z) ($103.80(13)^\circ$) бурчаклари ҳиссасига тўғри келади. Валент боғларининг узунлиги ва бурчакларини MERCURY комплексига уйғунлаштирилган MOGUL дастури ёрдамида таҳлил қилинганда, уларнинг орасида ностандарт қийматга эга бўлган боғ ва бурчаклар йўқлиги маълум бўлди.

МЭАнинг гидроксил гуруҳи ПНБК молекуласи карбоксилат гуруҳининг координация қилинмаган кислород атоми билан жуда кучли ички молекуляр водород боғи ҳосил қилади ва ушбу боғ $S^1_1(6)$ граф-сети билан ифодаланган б-аъзоли циклни ёпади.

Шундай қилиб, $[Cu((PNBK)_2(MЭA)_2)]$ комплекси Cu(II), ПНБК ва МЭАлардан иборат ва 1:2:2 таркибга эга бўлган аралаш-лигандли бирикмадан иборат. Комплекс молекулада водород боғларида донор сифатида иштирок эта оладиган O5-H- ва N2-H₂-гуруҳлари мавжуд. Гидроксил гуруҳ фақат ички водород боғида донор сифатида иштирок этса, МЭАдаги азотнинг иккала водород атоми O1 ва O5 атомлари билан молекулалараро водород боғлари ҳосил қилиб, х-ўқи бўйича йўналган колонкалар ҳосил бўлишига олиб келади. Нитро-гуруҳнинг кислород атомлари водород боғлари ҳосил қилишда иштирок этмайди. Параллел жойлашган ароматик ядроларнинг центроидлари орасидаги нисбатан катта бўлган масофа 4.781 \AA сезиларли стекинг-таъсирлашувининг мавжуд эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун кристал структурани ҳосил

қилишда фақат МЭА аминок-гурухининг бир жуфт водород боғлари иштирок этади ва х-ўқи бўйича йўналган колонкалар ҳосил қилади (2а-расм).





2а-расм. $\text{Cu}((\text{ПНБК})_2)(\text{МЭА})_2$ бирикмасининг кристал структурасида х-ўқи йўналишидаги колонкаларнинг ҳосил бўлиши (xOy-текислигидаги проекция, Н-боғи узилган чизиклар орқали кўрсатилган) (а) ва $[\text{Cu}(\text{ДЭА})_2](\text{ПНБК})_2$ бирикмасининг тузилиши (б).

$[\text{Cu}(\text{ДЭА})_2](\text{ПНБК})_2$ комплексида Cu^{2+} ионлари инверсия марказларида жойлашган. (рис.2b). Шу сабабли иккита симметрия орқали боғланган ДЭА молекулалари тридентат ҳолда металл атомга 2 та кислород атоми ва азот атоми ёрдамида боғланиб, координацион сферани тўлдиради. Бу ДЭА молекуласи координациясининг энг кўп учрайдиган, координация сони 6 га тенг бўлган ҳоли. Мис атомининг валент боғи узунлиги N2, O6 ва O5 атомлари учун мос равишда 1.9887(2); 2.1207(2) ва 2.2453(2)Å га тенг. Cu1-O5 боғининг 2.24 Å гача узайиши Ян-Теллер эффэктининг таъсири орқали тушунтирилади. Ортогонал валент бурчаклари 82.08(1)-97.92(1)° оралиғида жойлашади. Марказий атомнинг геометрик параметрлари мис ионларининг координацион полиэдри бузилган октаэдр эканлигидан далолат беради.

Таркибида муайян металл тузи (M), асосий лиганд ОНБК (L1) ва ёрдамчи лиганд ДЭА (L2) мавжуд бўлган реакция муҳитдан, 5 та ҳар хил турдаги тузилишга эга бўлган бирикмалар олинди. Таъкидлаш лозимки, металл тузи ўзгартирилганда ҳар сафар янги турдаги модда ҳосил бўлади (3-расм). Бундан ташқари, комплекснинг ҳосил бўлиш хароратини ўзгартириш йўли билан M(L1) ва L1 кўринишга эга бўлган бирикмаларнинг янги полиморф модификациясини олишга муваффақ бўлинди.

Биядрolik $[\text{Cu}_2(\text{ОНБК})_4(\text{H}_2\text{O})_2](\text{EtOH})_2$ комплекс $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ тузи ишлатилганида ҳосил бўлади. Ушбу “хитой чироғи” шаклидаги бирикма, марказий симметрияга эга бўлган нейтрал димер молекула сифатида тавсифланади. Комплекс молекуладаги иккита мис иони тўртта карбоксилат аниони билан бидентат ҳолда боғланиб, ҳар бир металл иони атрофида


тўртта кислород атомларидан иборат квадрат шаклидаги асос ҳосил қилади. Квадрат пирамида шаклидаги координацион полиэдрнинг апикал позицияларида сув молекулалари жойлашган бўлиб, Ян-Теллер эффе́кти сабабли сув боғларининг салгина узайиши кузатилади (4-расм).



3-расм. Металл тузи ўзгариши билан ОНБК ва ДЭА эритмасидан ҳар-хил турдаги бирикмаларнинг ҳосил бўлиши.

4-расм. $[\text{Cu}_2(\text{ОНБК})_4(\text{H}_2\text{O})_2]$ комплекси.


$\text{ZnSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ тузи ишлатилганида $[\text{Zn}(\text{ДЭА})_2](\text{SO}_4)(\text{H}_2\text{O})$ формуласига эга бўлган МК ҳосил бўлади. Моноклинли элементар ячейканинг асимметрик қисмида битта комплекс ион, SO_4 -аниони ва бир молекула сув жойлашади, яъни асосий лиганд кристал структуранинг ҳосил бўлишида қатнашмайди. ДЭАнинг иккита молекуласи марказий атом билан тридентат ҳолатда координациялашади (5-расм). Лигандларнинг координация қилиниши меридионал (*mer*) тақсимланиш усули ёрдамида амалга оширилади. Натижада, ДЭАнинг айна бир молекуласидаги кислород атомлари ўртасидаги масофа $4,270 \pm 0.020 \text{ \AA}$ га тенг бўлиб, у юзма-юз усулида (*fac*) тақсимланган ДЭА молекулаларидаги масофага нисбатан сезиларли равишда катта бўлади (6-расм). Zn-ионининг координацион полиэдри бузилган октаэдр шаклини олган. Октаэдрда ДЭАнинг иккала молекуласи нейтрал ҳолатда жойлашган. Металл ионининг заряди SO_4 -анионининг иккинчи сферада жойлашиши ҳисобига компенсация қилинади.



5-расм. $[\text{Zn}(\text{ДЭА})_2](\text{SO}_4)(\text{H}_2\text{O})$ комплексида ДЭА молекулаларининг *mer*-тақсимланиши.


$[\text{Zn}(\text{ДЭА})_2](\text{ОНБК})_2$ комплексида марказий атомнинг мусбат заряди ОНБК молекулалари бензоат ҳолида ташки сферада жойлашганлиги учун компенсация қилинган, яъни энди SO_4 анионининг ўрнини ОНБК

молекулалари эгаллаган (6-расм). Бироқ, ушбу бирикмада ДЭА молекулалари *fac*-усулида тақсимланган ва гидроксил гуруҳлари орасидаги масофа *mer*-изомердаги 4.27Å ўрнига 3.11Å гача яқинлашган. КСМБ таҳлили шуни кўрсатдики, ДЭА қатнашган барча МКларда лиганд молекулалари *fac*-усулида тақсимланган. Демак, мазкур диссертация ишида биринчи марта координацион сферада ДЭА молекулалари *mer*-усулида тақсимланган МК олинди.



6-расм. $[Zn(DЭА)_2](ОНБК)_2$ моддасида ДЭА молекулаларининг *fac*-усулида тақсимланиши.

$Ni(NO_3) \cdot 26H_2O$ тузи ишлатилганида, эритмада $[Ni(DЭА)_2(ОНБК)_2]$ аралаш-лигандли комплекси ҳосил бўлади. Адабиётлар таҳлили, ҳозирги кунга қадар ДЭА ва ароматик карбон кислоталар асосида хар-ҳил лигандли МК олинмаганини кўрсатди. Шунинг учун биз томонимиздан олинган янги комплекс ушбу турдаги МК гуруҳининг биринчи вакили ҳисобланади. Бу бирикмада 2 та ОНБК ва 2 та ДЭА молекулалари никел ионига координация қилиниб, салгина бузилган октаэдр ҳосил қилади. Лигандлар биттадан бўш донор гуруҳини қолдиради ёки ўзининг максимал координация қилиш қобилиятини намоён қилмайди (7-расм).



7-расм. Никелнинг ОНБК ва ДЭА билан ҳосил қилган аралаш-лигандли комплекси.


Бир хил турдаги лиганд молекулалари *транс*-ҳолатида жойлашади. ДЭА молекулалари нейтрал ҳолатда бўлгани сабабли ОНБК молекулалари металл ионининг зарядини нейтраллаш учун бензоат кўринишига ўтади.

Хароратни 40°C дан юқорига ошириш натижасида «Ибрагимов қоидаси» га биноан $[Cu_2(ОНБК)_4(H_2O)_2](EtOH)_2$ комплекси ўрнига солватсиз

бирикма ҳосил бўлади, бироқ бунда комплекс молекуланинг тузилиши сақланиб қолади.


Диссертациянинг “Аминобензой кислоталари ва этаноламинлар асосидаги металл комплекслар” деб номланган бешинчи бобда, АБК изомерлари ва ЭА лар асосида олинган МКларнинг синтези натижалари ҳамда тузилишини аниқлаш келтирилган.

Жами 8 та бирикма синтез қилинган бўлиб, уларнинг 6 таси ПАБК, биттаси ОАБК ва яна биттаси МАБКга мансуб моддалар. НБКдан фарқли ўлароқ, АБК, айниқса ПАБК полимер МКларни осон ҳосил қилади, уларда лигандлар металл ионларини бир-бирига амина ва карбоксил гуруҳлари ёрдамида боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли биз томондан ПАБК асосидаги олинган МК ларнинг ярмидан ортиғи координацион полимерлардир. Хусусан, таркибида металл тузи, ПАБК ва ДЭА тутган эритмадан олинган 6 та модданинг 4 таси координацион полимер (1-4) ва 2 таси (5 ва 6) дискрет МК эканлиги аниқланди (8-расм).




8-расм. Таркибида металл тузи, ПАБК ва ДЭА тутган эритмадан янги МКларнинг синтез қилиниши. 1 ва 2(4)-чи бирикмалар учун металл ионини бир-бирига боғлайдиган ПАБК молекулалари тўғри чизик билан кўрсатилган.

$[\text{Co}(\text{ПАБК})_2(\text{H}_2\text{O})_2]_n(\text{H}_2\text{O})$ формула билан ифодаланадиган 1-полимерда иккита антипараллел жойлашган ПАБК молекулалари Co ионларини карбоксил ва амина гуруҳларининг монодентат боғлари орқали чексиз колонкаларга бирлаштиради. Никел асосидаги 4-чи полимернинг тузилиши 1-чи полимернинг структураси билан бир хил (изоморф) (9-расм).



9-расм. $[\text{Co}(\text{ПАБК})_2(\text{H}_2\text{O})_2]_n(\text{H}_2\text{O})$ координацион полимерининг тузилиши.

$[\text{Zn}(\text{ПАБК})_2(\text{H}_2\text{O})]_n(\text{H}_2\text{O})$ формулага эга бўлган 2-чи бирикма **2-D** полимер бўлиб, унда ПАБК молекулалари аввалги полимердаги боғларга ўхшаш моно- ва бимолекуляр боғлар ёрдамида рух ионларини 6-аъзоли халқаларга бирлаштиради (10-расм).



10-расм. $[\text{Zn}(\text{ПАБК})_2(\text{H}_2\text{O})]_n(\text{H}_2\text{O})$ координацион полимеридаги мустақил фрагментнинг тузилиши (a) ва унинг схематик ифодаланиши (b).

3-чи координацион полимер $[\text{Cd}(\text{ПАБК})_2(\text{H}_2\text{O})]_n(\text{H}_2\text{O})_2$ да металл атоми ва унга координацаланган сув молекуласи 2-тартибли айланиш ўқида жойлашган. Натижада, металл ионлари карбоксилат гуруҳлари ёрдамида иккита симметрик боғланган ПАБК молекулаларини ва азот атомлари

орқали симметрик боғланган бошқа иккита лигандни координацалайди. Таъкидлаш жоизки, лиганд молекулаларининг карбоксилат гуруҳи орқали боғланишининг бидентат ҳолатда амалга оширилиши кадмий ионининг координация сонини 7 га кўтарилишига олиб келади (11a-расм).




Рис. 11. $[Cd(PABK)_2(H_2O)]_n(H_2O)_2$ (a) ва $[Zn_2(PABK)_2(H_2O)_2Cl_2]_n$ (b) координацион полимерининг тузилиши

Кейинги тадқиқотлар натижасида ПАБК асосидаги координацион полимерларнинг яна бир янги, хлор атомлари иштирок этган тури топилди. Мазкур 1-D полимер икки турдаги рух ионларининг ПАБК молекулалари орқали мономерлар боғланиши натижасида ҳосил бўлади. Биринчи турдаги тетраэдрик рух ионларига 2 та хлор атоми ва 2 молекула ПАБКнинг азот атомлари бириктирилган, иккинчи турдаги рух ионларига эса 2 молекула сув билан 2 та карбоксилат гуруҳи монодентат шаклда координация қилинган (11b-расм).


Тузларга мансуб бўлган 5- ва 6-моддаларда ички координацион сфера икки ДЭА молекуласи томонидан тўлиқ эгаллаб олингани сабабли бензоат кўринишидаги ПАБК молекулалари ташқи сферага сиқиб чиқарилган (8-расм).

Шундай қилиб, диссертация ишида ПАБК асосидаги 4 та янги координацион полимернинг мавжудлиги аниқланди ва уларнинг фақат биттасида полимер занжирининг таркибида бегона лиганд (хлор атоми) иштирок этган. Мавжуд адабиётнинг таҳлили шуни кўрсатдики, илгари КСМБ да фақат ПАБК иштирок этган 5 турдаги координацион полимер мавжуд бўлган.

Таркибида **ОАБК**, $\text{Sr}(\text{NO}_3)_2$ ва ТЭА бўлган эритмадан МК олишда лигандлар ўртасидаги рақобат ТЭА фойдасига ҳал бўлди, чунки ушбу лиганднинг 2 молекуласи марказий атомга тетрадентат боғланди ва 2 молекула ОАБКни ташқи сферага чиқариб юборди. Худди шунингдек, **МАБК**, $\text{MnCl}_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ ва ДЭА тутган эритмадан МК синтез қилишдаги рақобатда ҳам ЭА ютиб чиқди ва МАБК ташқи сферадан жой олди.

Диссертациянинг “**Гидроксibenзой кислоталари ва этаноламинлар асосидаги металлкомплекслар**” деб номланган олтинчи бобда ГБК изомерлари ва ЭА асосидаги МКнинг синтези ва тузилиши бўйича натижалар келтирилган. Жами 8 та модда синтез қилинган, жумладан ПГБК бўйича - 4 та МК, ОГБК бўйича – 2 МК ва МГБК бўйича – 2 МК.

Таркибида $\text{Cd}(\text{CH}_3\text{OO})_2$, ПГБК ва МЭА бўлган эритмадан металл иони 2-тартибли айланиш ўқидан ўрин олган аралаш-лигандли комплекс $[\text{Cd}(\text{ПГБК})_2(\text{МЭА})_2]$ синтез қилинган (рис.12).




12-расм. Кадмийнинг ПГБК ва МЭА билан ҳосил қилган аралаш-лигандли комплекси.

ПГБК марказий атомга карбоксилат гуруҳи орқали бидентат усулда координация қилинган. МЭА эса металл иони билан азот ва кислород атомлари орқали хелат боғи ҳосил қилган. Айланиш ўқининг таъсирида олинган симметрик молекулалар ҳисобига координация сони 8 га тенг бўлган кадмий ионига 4 та лиганд молекуласи боғланган. Координация полиэдрини яхши маълум бўлган полиэдрлар ёрдамида тавсифлаш қийин, бироқ у икки қалпоқли тригонал призма билан буралган куб ўртасидаги полиэдрга тўғри келади. Валент боғлари ва бурчаклари Cd-O4 даги атомлараро масофадан ташқари одатдаги қийматларга эга. MERCURY дастурий комплексига интеграция қилинган MOGUL дастурининг ҳисоб-китоблари кўрсатишича, 2.521(3) Å га тенг бўлган мазкур масофа ўртача қийматга нисбатан 0.132Å га ортик.

Таркибида $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$, ПГБК ва ТЭА бўлган муҳитдан аралаш-лигандли комплекс $[\text{Cu}_2(\text{ПГБК})_2(\text{ТЭА})_2][\text{Cu}(\text{ТЭА})_2](\text{H}_2\text{O})$ синтез қилинган,

тузни $\text{Ni}(\text{NO}_3)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ га алмаштирилганда эса супрамолекуляр комплекс $[\text{Ni}(\text{ТЭА})_2](\text{ПГБК})_2$ ҳосил бўлган.


Сu-комплекс 3 қисмдан – аралаш-лигандли икки ядроли комплекс молекула, монолигандли моноядроли комплекс молекула ва 2 молекула сувдан ташкил топган. Биядроли комплекс молекула симметрия марказида жойлашган ва 2 ТЭА молекуласи 2 мис ионига тетрадентат усулда координациялашган. Ҳар бир мис ионига карбоксил гуруҳлари орқали биттадан ПГБК молекуласи монодентат усулда бириккан. Координацион полиэдр Ян-Теллер эффектининг таъсирида чўзиқ тетрагонал бипирамида шаклини олган. Моноядроли комплекс молекулада мис атомига ПГБК нинг 2 молекуласи тридентат усулда боғланган (13-расм).



13-расм. Миснинг ПГБК ва ТЭА билан ҳосил қилган комплекси.


Ушбу модданинг таркибида бир вақтнинг ўзида моно- ва биядроли, монолигандли ва аралаш-лигандли, тридентат ва тетрадентат комплекс молекулаларнинг учраши унинг специфик хусусияти ҳисобланади. Яна бир муҳим нарса – Сu-комплексдаги моноядроли компонентанинг тузилиши айнан Ni- комплекснинг структурасига ўхшайди.

Ni-комплекс 2 қисмдан, монолиганд комплекс молекуладан ва бензоат кўринишидаги 2 молекула ПГБК дан ташкил топган. Комплекс молекулада ТЭАнинг 2 молекуласи никел атомига тридентат усулда координация қилинган. Координацион полиэдр - салгина бузилган октаэдр (14а-расм).




$\text{CoCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, ПГБК ва МЭАнинг эритмасидан олинган супрамолекуляр комплекс $[\text{Co}(\text{МЭА})_3](\text{ПГБК})(\text{МЭА})$ да металл ионига хелат боғлари ёрдамида 3 молекула МЭА координация қилинган ва лиганд молекулалари 2 позицияни (50 фоизли эҳтимоллик билан) эгаллаган (тартибсизлашган). Координациялашган МЭА молекулаларидан бири ўз протонини йўқотган. Координацион полиэдр – бузилган октаэдр (14b-расм). Ташқи сферада бензоат кўринишидаги битта ПГБК молекуласи ва битта нейтрал МЭА молекуласи жойлашган. Мазкур модданинг специфик хусусияти сифатида ташқи сферадан бир вақтнинг ўзида асосий ва ёрдамчи лиганд ўрин олишини қайд этиш мумкин.

$[\text{Co}(\text{ОГБК})_2](\text{МЭА})_2$ бирикмасида 2 молекула ОГБК гидроксил ва карбоксил гуруҳларининг кислород атомлари орқали кобальт ионларига бидентат усулда координация қилиниши натижасида 2 та 6 аъзоли цикл ҳосил бўлган. Со ионлари ясси-квадрат координацияга эга. Ташқи сферадан марказий ион билан водород боғлари ҳосил қилган МЭАнинг 2 молекуласи ўрин олган (15-расм). Мазкур моддада лигандлар ўртасидаги рақобатда асосий лиганд ютиб чиққан ва бундай бирикма нисбатан кам учрайди.




15-расм. $[\text{Co}(\text{ОГБК})_2](\text{МЭА})_2$ комплексининг тузилиши.

$[\text{Sr}(\text{ТЭА})_2](\text{ОГБК})_2$ ва $[\text{Ni}(\text{ТЭА})_2](\text{МГБК})_2(\text{H}_2\text{O})_4$ комплексларида ёрдамчи лиганд асосий лигандни ташқи координацион сферага сиқиб чиқарган. Биринчи бирикмада ТЭА молекулалари координацияланиш имкониятини тўлалигича рўёбга чиқарган бўлса, иккинчи комплексда гидроксил гуруҳларидан бири марказий ион билан боғ ҳосил қилмаган. Стронцийли комплекснинг ташқи сферасида 2 молекула ОГБК, никелли комплекснинг иккинчи сферасида эса 2 молекула МГБК ва 4 молекула сув жойлашган (16-расм). Комплексларда молекулалараро водород боғларининг мураккаб тизими кузатилади.




16-расм. ТЭАнинг 2 молекуласини $[\text{Sr}(\text{ТЭА})_2](\text{ОГБК})_2$ ва $[\text{Ni}(\text{ТЭА})_2](\text{МГБК})_2(\text{H}_2\text{O})_4$ бирикмаларида тетраденатат (а) ва триденатат (b) координация қилиниши.

Cr^{3+} нинг МГБК ва ДЭА билан ҳосил қилган аралаш-лигандли комплекси $[\text{Cr}_7(\text{МГБК})_3(\text{ДЭА})_6](\text{H}_2\text{O})_5$ кам учрайдиган етти ядроли МКлар оиласига киради. Ушбу бирикма кристалларининг носимметрик қисмида битта комплекс молекула ва 5 молекула сув жойлашган. Комплекс молекула таркибига 6 та депротонлашган ДЭА молекуласи ва МГБКнинг 3 аниони кирган. МГБК ва ДЭА анионлари биденатат ва триденатат лигандлик хусусиятни намоён қилган. Хром ионларининг полиэдрлари – ўта бузилган октаэдрлар (17-расм).



17-расм. Cr^{3+} нинг МГБК ва ДЭА билан ҳосил қилган етти ядроли комплекси.


Диссертациянинг “**Бензой кислотаси ҳосилалари ва этаноламинлар ўртасидаги органик тузлар**” деб номланган еттинчи боб асосий ва ёрдамчи лигандлар иштирокида тузлар олиш ва уларнинг тузилишини аниқлашга бағишланган. Тузларни олиш учун махсус реакциялар ўтказилмаган – улар МК олиш учун мўлжалланган муҳитдан ҳосил бўлган. Жами ОНБК+ДЭА, ОАБК+ДЭА, ПАБК+ДЭА ва ПАБК+МЭА таркибли 4 хил туз олинган. Уларнинг аксарияти ДЭА иштирокида олинган тузлар эканлиги кўриниб турибди. Тузлар ҳосил бўлаётганда асосий лиганднинг карбоксил гуруҳидаги протон ЭА молекуласига кўчиб ўтган ва аминогуруҳни протонлаган. Тузларнинг кристаллида анион ва катиондан иборат димерлар пайдо бўлган. Димерларда N-H...O(БК) и O-H...O(БК) кўринишидаги молекулалараро Н-боғлар ҳосил бўлган (O(БК) – бензой кислотаси ҳосиласининг кислород атоми). Мисол тариқасида 18-расмда ОНБК+ДЭА ва ПАБК+МЭА тузларидаги димерларнинг тузилиши келтирилган. Биз олган бошқа 2 та тузда ҳам шундай таъсирлашув амалга ошган.



18-расм. ОНБК+ДЭА (а) ва ПАБК+МЭА (б) органик тузларидаги димерларнинг тузилиши.

Бензой кислотасининг содда ҳосилалари ва ЭАлар ўртасидаги тузлар бўйича адабиётларнинг таҳлили кўрсатишича атиги 2 туз олинган ва тавсифланган. Уларда ҳам юқоридагига ўхшаш молекулалараро таъсирлашув кузатилган. Органик моддалар кристал инженериясида молекулалараро таъсирлашув компоненталарнинг бир-бирини кристалларда таниб олишига жавобгар бўлган синтонлар орқали ифодаланади. Масалан, карбон кислоталари молекулаларини классик димерларга бирлашиши граф-сети $R^2_2(8)$ бўлган синтон ёрдамида белгиланади.


БК анионлари томонидан ЭА катионларининг таниб олинишларини ифодалаш учун биз тузилиши қуйида келтирилган ва $R^2_2(9)$ граф сети орқали белгиланган синтонни таклиф қилдик (R1: $-\text{NO}_2$, NH_2 , OH ; R2: $-\text{H}$, $-\text{CH}_2-\text{CH}_2-\text{OH}$):



